

КОМПЛАЕНС ТРЕНИНГ

Манфаатлар тўқнашуви ва унинг олдини олиш



Ўқитиш мавзуси

Манфаатлар тўқнушуви тушунчаси

Манфаатлар тўқнушувини олдини олиш

Манфаатлар тўқнушувини ошкор қилиш

Жавобгарлик



АТАМАЛАР

Ходим

Компанияда меҳнат шартномаси (контракт) асосида ёхуд сайлаб қўйиладиган ёки тайинланадиган лавозимларда меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган бошқарув ходими

Номзод

Жамиятнинг бўш иш ўрни талабларига жавоб берувчи, вакант иш жойига танлаб олинган жисмоний шахс.

Ходимга алоқадор шахслар

Ходимнинг яқин қариндошлари ҳамда ходим ва (ёки) унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгалик қилса ёхуд унда бошқарув органининг раҳбари ёки аъзоси бўлса, ўша юридик шахс.

Яқин қариндошлар

Ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари.

Яқин шахсий муносабатлар

Жисмоний шахс билан шахсий муносабатларга эга бўлган, бундан ташқари биргаликда хўжаликни юритиш, бирга яшаш, тижорат ёки молиявий муносабатларда бўлиш

Кронизм

Ходим ўз таниш-билишлари ёки шахсий муносабатлари орқали лавозим мансабга кўтарилиши ёки иқтисодий имкониятларга эга бўлиши ҳамда дўстлар ёки ишончли шахсларга ноқонуний имтиёзлар тақдим этиш мақсадида лавозим мавқеидан ва обрўидан фойдаланиш

Мисол: Кронизм энг кўп ҳолларда сиёсатчилар ва уларнинг қўллаб қувватловчи ташкилотлар муҳитида учрайди. Жумладан бу “дўстлар”ни раҳбар лавозимларга тайинлаш, уларнинг малакасидан қатъий назар иш ўринлари ва бошқа устунликларни тақдим этиш.

Маҳаллийчилик

Шахсни унинг наслий келиб чиқиши (аслзода ёки машҳур сулола вакили эканлиги ва у жамоатчилик томонидан эътироф этилганлиги) ҳамда яқин қариндошларининг эгаллаб турган хизмат мавқеи сабабли, унинг лавозимга қўйиладиган малака талабларига мос келиш-келмаслигини ҳисобга олмаган ҳолда ишга қабул қилиш, ротация қилиш ва лавозимга тайинлаш.

Фаворитизм

Ходим бошқа шахс ва/ёки шахслар гуруҳи манфаатларига қараганда битта шахс ёки шахслар гуруҳи манфаатларига устувор аҳамият қаратиши, Компанияда ходимларни танлаш ва жойлаштириш, лавозимини кўтариш, мукофот пули бериш ва давлат мукофотларига тавсия этиш, таътил бериш ёки сихатгоҳлар ва хорижий сафарларга юбориш, мурожаатлар, шунингдек иш ва навбатчилик жадвалларини кўриб чиқишда кетма-кетликни йўлга қўйиш билан боғлиқ вазиятларда тартибларга риоя қилмаслик.

Непотизм


Ўрта асрларда пайдо бўлган ва дастлаб Рим папалари томонидан ўзининг хокимиятини мастаҳкамлаш учун даромадли мансаблар, олий черков рудбалари ёки ерларини қариндошларга тарқатиш маъносини англатган.

Уруғ-аймоқчилик

Ходимнинг авлод-аждодлари бир бўлган, бир сулолага мансублик асосида учинчи шахсларга нисбатан субъектив, имтиёзли ва ноҳолис муносабат шаклидаги шахсий манфаатдорлиги.

Махсус бўлинма

Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича махсус бўлинмалар — Компаниянинг Комплаенс хизмати ва Ходимлар билан ишлаш бошқармаси



Манфаатлар тўқнашуви тушунчаси

МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ БУ ...

Манфаатлар тўқнашуви ўзи нима?

Коррупцияга олиб келувчи турли хил омиллар мавжуд бўлиб, манфаатлар тўқнашувига шундай омиллардан бири сифатида қараш мумкин.



Манфаатлар тўқнашуви — шахснинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг ўз лавозим ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган (мавжуд манфаатлар тўқнашуви) ёки юзага келиши мумкин бўлган (эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви) вазият.

*«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»
ва «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги қонунларнинг 3-
моддаси*

Шахсий манфаатдорлик

Компаниянинг ходими ёхуд у билан алоқадор шахслар ушбу ходим томонидан бевосита ёки билвосита қарор қабул қилиниши ёки ходимнинг ушбу жараёнда бошқача тарзда иштирок этиши натижасида олиши мумкин бўлган ҳар қандай наф ёки афзаллик.

Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш

Компания томонидан ходимларнинг хизмат мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаслиги ҳолати ва (ёки) манфаатлар тўқнашuvi юзага келганда уларнинг манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкый, молиявий ва бошқа манфаатлар) Компания манфаатларидан устун келиши хавфини камайтириш ёки бартараф этиш.



Манфаатлар тўқнушувини олдини олиш



“GM Global”нинг манфаатлар тўқнашувини олдини олишга доир амалиёти

Тўғридан – тўғри ходимлар етакчиси низо бор йўқлигини ва қаерда асосли эканлигини аниқлаш учун ошкор қилишларни кўриб чиқади, тегишли чекловларни белгилайди.

1. Ошкор қилиш

Номзодларни ишга қабул қилиш чоғида ва улар мавжуд бўлганда GMнинг манфаатлар тўқнашуви сўровномаси орқали мавжуд ёки эҳтимолий низоларни ошкор қиладилар

2. Текшириш

Тўғридан – тўғри ходимлар етакчиси ходимга, манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлса уни юмшатиш ва бошқариш учун зарур деб ҳисобланган чекловларни ўрнатади. Ходим чекловлар ўрнатишга розилик билдиради

3. Бошқариш

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясида манфаатлар тўқнашувини олдини олишга доир қоидалар



7-модда. Оммавий (давлат) сектор

4-қисм. Ҳар бир иштирокчи-давлат ўзининг ички қонунчилигининг асосий принципларига мувофиқ, манфаатлар (коллизия) тўқнашуви келиб чиқишининг шаффофлигини таъминлайдиган ва олдини оладиган тизимларни яратишга, қўллаб-қувватлашга ва мустаҳкамлашга интилади.



7-модда. Оммавий (давлат) сектор



8-модда. Мансабдор шахсларнинг одоб-ахл...



12-модда. Хусусий сектор

8-модда. Мансабдор шахсларнинг одоб-ахлоқ кодекслари

5-қисм. Ҳар бир иштирокчи-давлат зарур ҳолатларда ва ўзининг ички қонунчилигининг асосий принципларига мувофиқ, мансабдор шахслар томонидан тегишли давлат органларига декларияларни, шунингдек хизматдан ташқари фаолият, машғулотлар, инвестициялар, активлар ҳамда мансабдор шахс сифатида манфаатлар тўқнашувига сабаб бўла олидаган аҳамиятга молик совғалар ва фойдаларни тақдим этишга мажбур қиладиган чора-тадбирлар ва тизимларни ўрнатишга интилади.



7-модда. Оммавий (давлат) сектор



8-модда. Мансабдор шахсларнинг одоб-ахлоқ кодекслари



12-модда. Хусусий сектор

2-қисм. ... Мазкур мақсадларга эришига қаратилган чора-тадбирларга қуйидагилар кириши мумкин:

б) тегишли хусусий секторлар иш фаолиятида ҳалолликни таъминлашга қаратилган, шунингдек тадбиркорлар ва барча тегишли касбларга эга бўлган вакиллар томонидан фаолиятини тўғри, ҳалол ва лозим даражада амалга ошириш ва манфаатлар тўқнашувини келиб чиқишини олдини олиш, тадбиркорлик корхоналари ўртасида ва улар билан давлат ўртасидаги шартномавий муносабатларда ҳалол тадбиркорлик амалиётидан фойдаланишни қўллаб-қувватлашни ўз ичига оладиган стандартлар ва таомилларни ишлаб чиқишга кўмаклашиш;

е) собиқ давлат мансабдор шахсларининг касбий фаолиятига нисбатан ёки бундай мансабдор шахслар хусусий секторда истеъфога ёки нафақага чиққанларидан сўнг уларнинг ишига нисбатан (бундай фаолият ёки иш ушбу мансабдор шахслар ўз лавозимларини эгаллаб турган ёки бундай ишлар устидан назорат олиб бориш уларнинг функциялари билан бевосита боғлиқ бўлган ҳолатларда) зарур ҳолларда ва оқилона муддатга чекловлар белгилаш йўли билан манфаатлар тўқнашуви юзага келишининг олдини олиш.



7-модда. Оммавий (давлат) сектор



8-модда. Мансабдор шахсларнинг одоб-ахл...



12-модда. Хусусий сектор

**Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш
юзасидан ИХТТнинг Истамбул
ҳаракатлар режаси 4-раунд якунлари
доирасида берилган тавсиялар**



5-сонли тавсия

6-сонли тавсия

7-сонли тавсия

16-сонли тавсия

23-сонли тавсия

28-сонли тавсия

5-сонли тавсия

Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва бартараф қилиш ҳақидаги асосий қоидаларни қонунда белгилаш ва қонунчиликнинг тегишли нормаларини амалиётда лозим даражада қўлланилишини таъминлаш.

Манфаатлар тўқнашуви ва уни тартибга солиш бўйича хабар бериш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш.

5-сонли тавсия

6-сонли тавсия

7-сонли тавсия

16-сонли тавсия

23-сонли тавсия

28-сонли тавсия

Мансабдор шахс томонидан манфаатлар тўқнашуви ҳолатида ўзи ёки яқин шахслари фойдасига қарор қабул қилганлиги учун жиноий жавобгарликни киритиш имкониятини кўриб чиқиш.

5-сонли тавсия

6-сонли тавсия

7-сонли тавсия

16-сонли тавсия

23-сонли тавсия

28-сонли тавсия

6-сонли тавсия

Коррупция хавф-хатарларини баҳолаш асосида миллий, минтақавий, ҳудудий, соҳавий ва идоравий даражадаги ҳалоллик сиёсатини ишлаб чиқиш. Бундай баҳолашнинг ягона методикасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

5-сонли тавсия

6-сонли тавсия

7-сонли тавсия

16-сонли тавсия

23-сонли тавсия

28-сонли тавсия

7-сонли тавсия

Сиёсий мансабдор шахслар фаолиятида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш қоидаларининг лозим даражада қўлланилишини таъминлаш.

Одоб-ахлоқ кодексларини такомиллаштириш ва уларнинг самарали қўлланилиши устидан назоратни таъминлаш.

5-сонли тавсия

6-сонли тавсия

7-сонли тавсия

16-сонли тавсия

23-сонли тавсия

28-сонли тавсия

16-сонли тавсия

Суд органларининг иш фаолиятини ташкил этиш хусусиятларини, шунингдек судьялар мустақиллиги кафолатларига риоя қилиш заруратини инобатга олиб, қонунчиликда судьяларнинг манфаатлар тўқнашуви бўйича батафсил қоидаларни ўрнатиш.

5-сонли тавсия

6-сонли тавсия

7-сонли тавсия

16-сонли тавсия

23-сонли тавсия

28-сонли тавсия

23-сонли тавсия

Прокурорларнинг ваколатлари ва хусусиятларини инобатга олиб, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва бартараф қилишнинг батафсил қоидаларни ўрнатиш.

5-сонли тавсия

6-сонли тавсия

7-сонли тавсия

16-сонли тавсия

23-сонли тавсия

28-сонли тавсия

28-сонли тавсия

Давлат харидларида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва олдини олиш механизмларини кучайтириш (шу жумладан, аффилиганлик, харидлар иштирокчиларининг якуний бенифициарлари ҳақидаги маълумотларни очишга қаратилган қоидаларини кенгайтириш орқали).

Манфаатлар тўқнашувини олдиши олишнинг ҳуқуқий асослари



1

Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилдаги “**Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида**”ги ЎРҚ-419-сон Қонуни

2

21-модда. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этишга доир чора-тадбирлар

Давлат органларининг ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак.

3

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, давлат органларининг ходимлари ўзининг бевосита раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак.

4

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар бу тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт. Давлат органларининг махсус бўлинмалари ёки одоб комиссиялари манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга оширади.

5

Давлат органларининг манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ёки уни бартараф этиш талаблари бузилишига йўл қўйган ходимлари, шунингдек уларнинг раҳбарлари қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

1

2

3

4

5

Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонуни

14-модда. Манфаатлар тўқнашуви

Харид қилиш тартиб-таомилларини амалга оширишда давлат ташкилоти ходимлари ўз иштирокидаги давлат харидларига доир битимнинг натижаси бўлган ҳар қандай шахсий фойдани бевосита ёки билвосита олиш ҳуқуқи эга эмаслиги.

Шунингдек, улар:

харид қилиш тартиб-таомилларни амалга оширишда бошқа харид қилиш тартиб-таомиллари субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зарар етказадиган ҳамда ушбу ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларни чеклайдиган ҳар қандай манфаатлар тўқнашуви кўринишларининг олдини олиши шарт;

ҳар қандай эҳтимол тutilган, тахмин қилинаётган ёки мавжуд манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотнинг ошкор қилинишини кафолатлаши керак.

1

Мавжуд бўлган ёки тахмин қилинаётган манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар топган, ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган шахслар бу ҳақда бевосита раҳбарини ҳамда давлат харидлари соҳасидаги ваколатли органни хабардор этиши шарт.

2

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги ахборотларни олган раҳбар унинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши ва давлат харидлари соҳасидаги ваколатли органни кўрилган чоралар тўғрисида хабардор қилиши шарт.

3

Давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни олгач, ушбу Қонунга мувофиқ давлат назоратини амалга оширувчи давлат органларига тегишли ахборотни киритиши шарт.

4

5

1

2

3

4

5

Ўзбекистон Республикасининг 08.08.2022 йилдаги “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги ЎРҚ-788-сон Қонуни

19-моддасида қуйидаги талаблар белгиланган:

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, давлат фуқаролик хизматчиси ўзининг раҳбарига ёки юқори турувчи давлат органига дарҳол ёзма шаклда хабар қилиши керак.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган давлат органининг раҳбари ёки юқори турувчи давлат органи ушбу тўқнашувни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

1

2

3

4

5

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.10.2022 йилги “**Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**” ги 595-сон қарори

7-боб. Манфаатлар тўқнашуви

22. Давлат хизматчилари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак.

23. Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда ходимлар ўзининг раҳбарини дарҳол хабардор қилиши шарт.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар бу тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўришга мажбур.

1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 йилги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармони

2

2. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

...

давлат хизматига ҳалоллик стандарти («ҳалоллик вакцинаси») ва манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш стандартларини жорий этишда кўмаклашиш бўйича таъсирчан чораларни кўриш, шунингдек, уларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

3

8. Агентлик:

...

4

г) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда доимий асосда давлат харидларида аффилиланганлик, шу жумладан харидлар иштирокчиларининг охириги бенефициар эгаларига тааллуқли манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва олдини олиш чораларини кўриш мақсадида масофавий мониторинг ўтказсин.

5



МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ТЎГ'РИСИДА

2024 йил 5 июнь, ЎРҚ - 931-сон
(2024 йил 6 декабрь куни кучга киради)



Манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш

МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ

Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги
ахборотни ошкор этиш **ходим**
томонидан қуйидагича амалга
оширилади



мавжуд манфаатлар
тўқнашуви тўғрисида
хабарнома тақдим этиш
орқали



эҳтимолий манфаатлар
тўқнашуви тўғрисида
декларация тақдим этиш

Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги
ахборотни ошкор этиш **ходимга**
алоқадор шахслар томонидан
қуйидагича амалга оширилади



ҳамда эҳтимолий
манфаатлар тўқнашуви
тўғрисида **декларация**
тақдим этиш



Алоқадор шахслар томонидан ходим иш (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган ташкилотга мурожаат қилганда **эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви декларациялар** тақдим этилади.

Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабарнома

_____дан
(Ходимнинг лавозими ва Ф.И.О.)

Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ХАБАРНОМА

Мен ушбу хабарномада ўзим ва менга алоқадор шахсларнинг мавжуд манфаатлар тўқнашувига оид қуйидаги маълумотлар тўғрисида хабар бераман:

1. Ходимга оид маълумотлар

1.	Идентификация ID-картаси ёки биометрик паспорт маълумотлари (серияси, рақами, берилган санаси)	
2.	Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) (мавжуд бўлган тақдирда)	

2. Алоқадор шахсларга оид маълумотлар*

Ходимнинг яқин қариндошига оид маълумотлар		
1.	Фамилия, исми, отасининг исми	
2.	Идентификация ID-картаси ёки биометрик паспорт маълумотлари (серияси, рақами, берилган санаси)	
3.	Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) (мавжуд бўлган тақдирда)	
Ходим қайси юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгаллик қилса ёхуд унда бошқарув органининг раҳбари ёки аъзоси бўлса, ўша юридик шахсга оид маълумотлар		
1.	Юридик шахснинг номи	
2.	Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)	
Ходимнинг яқин қариндоши қайси юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгаллик қилса ёхуд унда бошқарув органининг раҳбари ёки аъзоси бўлса, ўша юридик шахсга оид маълумотлар		
1.	Юридик шахснинг номи	
2.	Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)	

Мавжуд манфаатлар тўқнашувида қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

- Мавжуд манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бераётган ходимнинг Ф.И.Ш. ва лавозими, шунингдек ЖШШИР;
- Ходимнинг манфаатлар тўқнашуви юзага келаётган яқин қариндошининг Ф.И.Ш., ЖШШИР (мавжуд бўлган тақдирда) ёхуд давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимига алоқадор шахснинг номи ва СТИР;
- Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборот.

Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарнома манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича қўрилган чораларни ўз ичига олиши, ходимнинг ва (ёки) бевосита раҳбарининг (айрим ҳолларда, унинг ўринбосарининг) ўз қўли билан қўйилган имзоси ёки электрон рақамли имзоси билан тасдиқланиши керак!

Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисида декларация

2-боб. Ходимнинг эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациясининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

Мен, _____ ушбу
(фамилияси, исми, отасининг исми ва унинг лавозими)

(йиллик/ишга қабул қилинаётганда/бошқа ишга ўтказилаётганда)

тўлдираётган декларацияда ўзим ва менга алоқадор шахсларнинг эҳтимолий манфаатлар тўқнашувига оид қуйидаги маълумотларни ошкор қиламан:

1. Ходимга оид маълумотлар

1.	Идентификация ID-картаси ёки биометрик паспорт маълумотлари (серияси, рақами, берилган санаси)	
2.	Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) (мавжуд бўлган тақдирда)	

2. Алоқадор шахсга оид маълумотлар*

Ходимнинг яқин қариндошига оид маълумотлар		
1.	Фамилия, исми, отасининг исми	
2.	Идентификация ID-картаси ёки биометрик паспорт маълумотлари (серияси, рақами, берилган санаси)	
3.	Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) (мавжуд бўлган тақдирда)	
Ходим қайси юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгаллик қилса ёхуд унда бошқарув органининг раҳбари ёки аъзоси бўлса, ўша юридик шахсга оид маълумотлар		
1.	Юридик шахснинг номи	
2.	Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)	
Ходимнинг яқин қариндоши қайси юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгаллик қилса ёхуд унда бошқарув органининг раҳбари ёки аъзоси бўлса, ўша юридик шахсга оид маълумотлар		
1.	Юридик шахснинг номи	
2.	Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)	

*Ходим унга алоқадор шахсларнинг (ходимнинг яқин қариндошлари ёки ходимнинг яқин қариндошлари устав фонди (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгаллик қилаётган ёхуд бошқарув органи раҳбари ёки аъзоси бўлган юридик шахс) идентификация ID-картаси (биометрик паспорти), ЖШШИР, СТИР бўйича маълумотларни олиш имкониятига эга бўлмаса, у томонидан тегишли позицияларда “маълумотга эга эмасман” деб изок кўрсатилиши мумкин.

Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

1. Ходим лавозими ҳамда унинг Ф.И.Ш., шунингдек унинг ЖШШИР;
2. Ходимни яқин қариндошларининг Ф.И.Ш., уларнинг ЖШШИР (мавжуд бўлган тақдирда) шунингдек, иш жойи ва лавозими;
3. Ходим ёки унинг яқин қариндошлари акциядор бўлган акциядорлик жамиятининг расмий номи ва унинг СТИРи;
4. Ходимнинг яқин қариндошлари таъсисчи (акциядори, иштирокчиси), бошқарув орган аъзоси бўлган юридик шахснинг расмий номи, шунингдек унинг СТИРи.

Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларация уни тўлдирган ходимнинг ўз қўли билан қўйилган **имзоси** ёки **электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак!**

Ходимга алоқадор шахслар

3-боб. Алоқадор шахсларнинг эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациянинг намунавий шакли

Мен _____, ушбу декларацияда алоқадор шахс (фамилияси, исми ва шарифи) сифатида ўзим ва ходим (ишга қираётган номзоднинг) эҳтимолий манфаатлар тўқнашувига оид қуйидаги маълумотларни маълум қиламан:

1.	Ходимга алоқадор жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)	
3.	Ходимга алоқадор юридик шахснинг номи	
4.	Ходимга алоқадор солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)	
5.	Ходимнинг Ф.И.О. ва лавозими	
6.	Жисмоний шахснинг ходим билан қариндошлиги тўғрисидаги маълумотлар (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари)	
7.	Юридик шахснинг ходим билан алоқадорлиги тўғрисидаги маълумотлар (ходим ва унинг унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахснинг ўстаб фонди (ўстаб капитал) акцияларига ёки улушларига эгаллик қилса ёхуд унда бошқарув органининг раъбари ёки аъзоси бўлса, ушбу юридик шахс)	

Алоқадор шахс _____
Шахсий имзо ёки электрон рақамли имзоси _____
(Ф.И.О.)
Тўлдирган сан 20 ____ йил " ____ "

Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви аниқланган ҳолатлар Манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестрида рўйхатга олинган санаси ва рақами: 20 ____ йил " ____ " " ____ "; реестр рақами № ____ .

- Ходимга алоқадор шахслар эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:
- 1. Ходимга алоқадор шахснинг Ф.И.Ш., ЖШШИР ёхуд юридик шахснинг номи ва СТИР;
 - 2. Ходимнинг Ф.И.Ш. ва лавозими;
 - 3. Ходим билан қариндошлик тўғрисида маълумотлар;
 - 4. Юридик шахснинг ходимга алоқадорлиги тўғрисида маълумотлар.

Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларация уни тўлдирган жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг (ишончли шахснинг) ўз қўли билан қўйилган **имзоси ёки электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак!**

ХОДИМНИНГ МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОҒИДАГИ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

ҲУҚУҚЛАР

- махсус бўлинмага маслаҳат сўраб мурожаат этиш
- эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияда кўрсатилиши керак бўлган маълумотлардан ташқари қўшимча маълумотларни электрон ёки ёзма шаклда тақдим этиш

МАЖБУРИЯТЛАР

- ўз лавозим мажбуриятлари ёки хизмат ваколатларини виждонан бажариши ва уларнинг бажарилишига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ўз шахсий манфаатлари билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши
- лавозим мажбуриятларини ёки хизмат ваколатларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги
- мавжуд манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, ўз иш юритувидаги ҳужжатлар бўйича қарор қабул қилингунига қадар ўзининг бевосита раҳбарини (ташкилот раҳбари — юқори турувчи раҳбарни) ёки махсус бўлинмани хабардор қилиши
- ўзининг бевосита бўйсунувидаги ходимларни ёки бошқа ходимларни бевосита ёки билвосита ўзининг шахсий манфаатларини кўзловчи ҳаракатларга (ҳаракатсизликка) мажбурламаслиги
- ўзи меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган давлат органи ёки бошқа ташкилот назорати остидаги ташкилотдан ёки унинг таркибий бўлинмасидан ишга қабул қилиш тўғрисида таклифлар келиб тушганлиги ҳолати ҳақида бир иш куни ичида хабар бериши
- бошқа ходимларга нисбатан ўзига маълум бўлган манфаатлар тўқнашуви ҳоллари тўғрисида хабар бериши
- эҳтимолий манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш мақсадида махсус бўлинманинг сўровига кўра маълумотлар тақдим этиши

Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарнома



Хабарномада қуйидаги
маълумотлар кўрсатилади

Хабарномани тақдим этиш
тартиби

Хабарномани кўриб чиқиш
тартиби

Хабарномада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади

1) мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бераётган ходимнинг Ф.И.Ш., лавозими, шунингдек жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;

2) ходимнинг манфаатлар тўқнашуви юзага келаётган яқин қариндошининг Ф.И.Ш., жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (мавжуд бўлганда) ёхуд ходимга алоқадор шахснинг номи ва солиқ тўловчининг идентификация рақами;

3) мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборот.

Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарнома манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича кўрилган чораларни ўз ичига олиши, ходимнинг ва (ёки) унинг бевосита раҳбарининг (айрим ҳолларда, унинг ўринбосарининг) ўз қўли билан қўйилган имзоси ёки электрон рақамли имзоси билан тасдиқланиши керак.

**Хабарномада қуйидаги
маълумотлар кўрсатилади**

**Хабарномани тақдим этиш
тартиби**

**Хабарномани кўриб чиқиш
тартиби**

Хабарномани тақдим этиш тартиби

Ходим мавжуд манфаатлар тўқнашуви ўзига маълум бўлиб қолган пайдан эътиборан бир иш куни ичида мавжуд манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги белгиланган шаклдаги хабарномани тўлдириб, ўзининг бевосита раҳбарига (ташкилот раҳбарига — юқори турувчи раҳбарга) ёки махсус бўлинмага қуйидагилар аниқланганда тақдим этиши шарт:

яқин қариндошлари бевосита ходимнинг бўйсунувидаги ишга қабул қилинган бўлса (давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг сиёсий гуруҳига кирувчи лавозимга ишга қабул қилинган ҳоллар бундан мустасно) ёки ходимнинг ишига фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида ўзига алоқадор шахслар жалб этилган бўлса;

у ўзига алоқадор шахсларга тааллуқли масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этаётган бўлса;

яқин қариндоши текширув ўтказилаётган объектда (юримдик шахсда) текширув йўналиши бўйича масъул мансабдор шахс сифатида ишлаётган бўлса ёки мазкур текширув объекти (юримдик шахс) унга алоқадор шахс бўлса;

бошқа ҳар қандай мавжуд манфаатлар тўқнашуви ўзига маълум бўлиб қолса.

**Хабарномада қуйидаги
маълумотлар кўрсатилади**

**Хабарномани тақдим этиш
тартиби**

**Хабарномани кўриб чиқиш
тартиби**

Хабарномани кўриб чиқиш тартиби

Раҳбар ходим ҳамда махсус бўлинманинг раҳбари манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш учун масъул ҳисобланади.

Таркибий бўлинманинг раҳбари мавжуд манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича ўз ваколатлари доирасида кўрилган чоралар тўғрисида махсус бўлинмага бир иш куни ичида ахборот тақдим этиши шарт.

Махсус бўлинма кўрилган чораларнинг етарлилиги (тўғрилиги) тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун ахборотни уч иш куни ичида одоб-ахлоқ комиссиясига тақдим этади.

Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларация



Декларацияда қуйидаги
маълумотлар кўрсатилади

Декларацияни тақдим этиш
тартиби

Махсус бўлинма

Декларацияда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади

- 1) ходимнинг лавозими ҳамда унинг Ф.И.Ш., шахсий идентификация рақами;
 - 2) ходим яқин қариндошларининг Ф.И.Ш., уларнинг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, иш жойи ва лавозими;
 - 3) ходим ёки унинг яқин қариндошлари акциядор бўлган акциядорлик жамиятининг расмий номи ва солиқ тўловчининг идентификация рақами;
 - 4) ходимнинг яқин қариндоши муассис (иштирокчи), бошқарув органи аъзоси бўлган юридик шахснинг расмий номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами.
- Декларация ходимнинг имзоси (электрон рақамли имзоси) билан тасдиқланган бўлиши керак.

Декларацияда қуйидаги
маълумотлар кўрсатилади

Декларацияни тақдим этиш
тартиби

Махсус бўлинма

Декларацияни тақдим этиш тартиби

Ходим шахсга доир маълумотлари ўзгарган тақдирда, декларацияни тўлдириши ва ҳар йили 15 январдан кечиктирмай махсус бўлинмага тақдим этиши керак.

Ишга қабул қилинаётган номзод, шунингдек бошқа ишга ўтказилган ходим декларацияни тўлдириши ва тақдим этиши керак.

**Декларацияда қуйидаги
маълумотлар кўрсатилади**

**Декларацияни тақдим этиш
тартиби**

Махсус бўлинма

Махсус бўлинма

- 1) ҳар йилги декларацияни ҳар йили 15 февралгача умумлаштиради ва таҳлил қилади;
 - 2) эҳтимолий манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича чораларнинг етарлилигини (тўғрилигини) таъминлаш учун ҳар йили 1 мартга қадар одоб-ахлоқ комиссиясига таклиф киритади;
 - 3) одоб-ахлоқ комиссияси томонидан қабул қилинган хулосага асосан эҳтимолий манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш юзасидан чоралар кўриш тўғрисида ходимнинг бевосита раҳбарига ёхуд юқори турувчи раҳбарига таклиф киритади.
- Ходимликка номзод ишга қабул қилинаётганда ёхуд ходим бошқа ишга ўтказилаётганда, декларацияни тақдим этганидан кейин махсус бўлинма юқоридаги ишларни беш кунлик муддатда амалга оширади.

ХОДИМГА АЛОҚАДОР ШАХСЛАР ТЎЛДИРАДИГАН ДЕКЛАРАЦИЯ

Ходимга алоқадор шахсларнинг
декларациясида қуйидагилар
кўрсатилади

ходимга алоқадор шахс ҳисобланган жисмоний шахснинг Ф.И.Ш., шахсий идентификация рақами ёхуд юридик шахснинг номи ва солиқ тўловчининг идентификация рақами

ходимнинг Ф.И.Ш., лавозими

ходим билан қариндошлик тўғрисидаги маълумотлар

юридик шахснинг давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимига алоқадорлиги тўғрисидаги маълумотлар

декларацияни тўлдирган жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг (ишончли шахсининг) имзоси (электрон рақамли имзоси)




Жавобгарлик

МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК



- Маъмурий
- Интизомий
- Фуқаролик-ҳуқуқий

**Манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган
ҳолда қарорлар қабул қилиш ёки битимлар
тузиш**



Ҳақиқий эмас деб топиш

Ҳақиқий эмас деб топиш

Манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолда қабул қилинган қарорлар ёки тузилган битимлар суд тартибида ҳақиқий эмас деб топилади.

Фойдани қайтариш

Зарарни қоплаш

Ҳақиқий эмас деб топиш

Фойдани қайтариш

Зарарни қоплаш

Фойдани қайтариш

Ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, ушбу қарор қабул қилинганлиги ёки битим тузилганлиги натижасида олинган фойда битим бўйича олинган ҳамма нарсани қайтариб бериш тўғрисида талаб қўйилмаган ҳолда, суд тартибида давлат даромадига ўтказилади.

Келиб чиқадиган харажатларнинг ўрни манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган шахснинг ҳисобидан қопланади.

Ҳақиқий эмас деб топиш

Фойдани қайтариш

Зарарни қоплаш

Зарарни қоплаш

Қарор ёки битим ҳақиқий эмас деб топилганлиги натижасида жисмоний ёки юридик шахсларга, ш.ж. давлат органларига ёки бошқа ташкилотларга етказилган зарар давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг айбдор ходимларидан регресс тартибида ундириб олиниши мумкин.